

МАҲАЛЛАДА ИЖТИМОЙ ХИМОЯНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

М.Юнусова

Андижон Давлат Университети тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада аҳолининг камбағал қисмини моддий-қўллаб-қувватлашнинг янги механизми бўлган “темир дафтар” дафтарлар ҳақида фикр юритилади. Маҳаллада эҳтиёжманд оилаларга ёрдам беришнинг адолатли йўли ҳақида фалсафий мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, Темир дафтар, саҳоват, енгил конструкция, Томорқа хизмати, дала дўконлар, маҳалла.

КИРИШ

Аҳолини ёрдамга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир. Ижтимоийлаштиришнинг ушбу йўналиши кенг қамровли ва мураккаб жараён бўлиб, моддий ресурслар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли соҳада адолатни таъминлаш жуда қийин кечиши мумкин. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистонда темир дафтлар тизими жорий этилди.

«Темир дафтар» — ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси, ҳисобланиб бу ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан юритиладиган рўйхатни ўз ичига олади. Нима учун рўйхат? Сабаби оддий маҳаллага ажратилган моддий ёрдамларни мақсади ва манзилли сарфлаш учун. Айтайлик, битта маҳаллада 20 та ёрдамга муҳтож хонадон бор. Уларнинг қай бири биринчи нафбатда ёрдамга муҳтож, қайсилари моддий ёрдамга муҳтож, лекин бу ҳақида мурожаат қила олмайди ёки мурожаат қилишга уялади. Маҳаллада қайта қайта ёрдам олиб, боқимандалик кайфиятидаги оилалар ҳам борлиги эътиборга олсак, уларнинг қатъий рўйхатини шакллантириш ҳаётий заруратга айланганини тушуниб олишимиз осон бўлади.

Ушбу рўйхатда қатъий тартибда қуйидагилар киритилиши белгиланди. кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оилалар;

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар;

кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;

боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;

кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оилалар;

меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;

тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар.[1]

Темир дафтарга киритилган оилаларга қуйидаги йўналишларда давлатнинг кафолатланган ёрдам ажратилади.

Биринчидан, иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштиришдаги имтиёзлар;

Иккинчидан, томорқадан фойдаланишдаги имтиёзлар;

“Саховат” фондидан бир марталик ёрдам олиш ҳуқуқи билан боғлиқ имтиёзлар.

Иш билан таъминлаш соҳасидаги имтиёзлар нимадан иборат?

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш, ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиш ва оборотдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бандликни таъминлаш ва бошқалар.[2]

Ўтган йиллар давомида давлатнинг ижтимоий ёрдами “кам таъминланган” деб аталган анча ноаниқ ва мавҳум қатламга йўналтирилди. Ушбу ёрдамлар маиший коррупция ва таниш билишчилик доирасида ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари томонидан тарқатилган ва аҳолининг жиддий

этирозларига сабаб бўлиб келган. Айниқса, бундай нафақаларни ажратишдаги низомларнинг номукамаллиги, аниқ бир рўйхатнинг йўқлиги натижасида камбағал оилалар узоқ йиллар давомида ижтимоий ҳаётини ўзгартира олмаган. Бу эса жамиятда камбағаллар синфининг кегайишига, уларнинг ижтимоий капиталдан манфаат кўрмаслигига ва оқибатда деструктив ғоялар таъсирига тушишига сабаб бўлган. Бундан ташқари кам таъминланган оилалар учун ажратилган маблағни талон-тарож қилганлик учун қатор маҳалла фаоллари жавобгарликка тортилгани ҳам маълум.[3]

Эндиликда “темир дафтар”га киритилган оилалар давлатдан маълум бир миқдордаги нафақани эмас, балки уларни ижтимоий ҳаётга қайтарадиган – иш билан таъминлаш, соғлинини тиклаш, таълим муассасаларида ўқишига шароит яратиш каби масалаларни кутиши мумкин. Бу эса ўз ўзидан аҳолининг камбағал қатлами орасида ижтимоий фаолликни оширишга хизмат қилади ва узоқ йиллар давомида шаклланган боқимандалик кайфиятини илдизи билан йўқотишга хизмат қилиши мумкин.

“Темир дафтар”га киритилган оилаларга давлат томонидан этиборнинг яна бир йўналиши уларни томорқа ишларига қайтадан жалб қилишдир. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг сердаромад ва кенг кўламли тармоғи бўлиб қолаверади. Глобал иқтисодиётнинг катта суръатларда ривожланиши, жаҳон савдоси ва инсон саломатли бўйича кўрсаткичларнинг яхшиланиши ҳамда дунё аҳолисининг муттасил кўпайиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб кенгайиб бормоқда. Камбағал оилалар қишлоқ хўжалигининг интенсив йўналишлари – иссиқхоналар, паррандачилик ва қуёнчилик, балиқ ва бедана боқиш каби йўналишларида фаолият олиб бориш учун дастлабки сармоёга эга эмас. Шунинг учун ҳам бундай оилаларга қуйидаги ёрдамлар кўрсатиладиган бўлди:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;

«Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалигининг ушбу сердаромад соҳаларига инвестиция киритиш орқали ҳукумат аввламбор – камбағал оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшиласа, иккинчидан озиқ-овқат хавфсизлигини билан боғлиқ вазиятни ҳам яхшилашга эришади. Қишлоқ хўжалиги, хусусан томорқасида банд бўлган оилалар ҳаётида иқтисодий фаровонлик ва тўкин-сочинлик, оила аъзолари ўртасида ҳамжиҳатлик, маҳалладаги ташаббускорлик ва ижтимоий масъулият

ортишини кузатиш мумкин. Чунки, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан эътироф этилган ҳар бир инсон худду шундай шакл ва мазмунда жамият аъзоларига муносабатда бўлиши табиий ҳолдир.

Республика бўйича «Темир дафтар»нинг юритилиши
СХЕМАСИ [4]

Босқичлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддатлар	Масъуллар
1-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Уйма-уй юришни ташкил қилиш бўйича эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўровномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилади. 2. Ҳокимликлар томонидан эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўровномаси секторларга тақдим қилинади. 3. Секторлар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинига ва бошқарув офисига тарқатилади. 	<p>Белгиланган муддатда</p> <p>1 кун муддатда</p> <p>3 кун муддатда</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, бошқарув офиси, фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари</p>
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Оилаларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари уйма-уй юриб ўрганилади. 2. Оилаларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади. 3. Оилаларнинг муаммолари сўровнома орқали аниқланади. 	<p>Ҳар ойда Доимий</p>	<p>Бошқарув офиси, фуқаролар йиғинлари ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари</p>
3-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Аниқланган муаммолар оилаларнинг жамланма рўйхатига киритилади. 2. Жамланма рўйхат сектор раҳбарига тақдим этилади. 3. Жамланма рўйхат кўриб чиқилиши ташкил қилинади. 4. Анкета маълумотлари идора ва 	<p>3 кундан ошмаган муддатда</p> <p>1 кун муддатда</p> <p>1 кун муддатда</p> <p>3 кундан</p>	<p>Бошқарув офиси, фуқаролар йиғинлари ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари</p>

	ташкilotларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.	ошмаган муддатда	
4-босқич	« Темир дафтар »га киритиладиган оилаларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган « Йўл харитаси » лойиҳаси халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.	7 кундан ошмаган муддатда	Секторлар раҳбари, Бошқарув офиси
5-босқич	« Темир дафтар »га киритиладиган оилаларнинг рўйхатлари ва « Йўл харитаси » тасдиқланади ҳамда ижрога йўналтирилади.	Белгиланган тартибда	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари, Секторлар раҳбари, Бошқарув офиси
6-босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар « saxovat.argos.uz » ахборот тизими га киритилади.	3 кундан ошмаган муддатда	Сектор раҳбари, сектор штаби котиби
7-босқич	Вақтинчалик тартибда белгиланган хизматлар кўрсатилади.	Белгиланган муддатларда	Бошқарув офиси
8-босқич	« Темир дафтар »дан чиқариш юзасидан таклифлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритилади.	Заруратга кўра	Секторлар раҳбари, бошқарув офиси
9-босқич	« Темир дафтар »дан чиқариш бўйича тегишли қарор қабул қилинади.	Заруратга кўра	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари
10-босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида « Темир дафтар »дан чиқарилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар « saxovat.argos.uz » ахборот тизими га киритилади.	3 кундан ошмаган муддатда	Сектор раҳбари, сектор штаби котиби

11-босқич	«Темир дафтар»дан чиқарилган оилалар бу ҳақида хабардор қилинади.	Қарор қабул қилинганидан сўнг 5 кун ичида	Сектор штаби котиби, маҳалла фуқаролар йиғини
12-босқич	«Saxovat.argos.uz» ахборот тизимида «Темир дафтар»ни юритиш билан боғлиқ масалалар тўлиқ акс эттириб борилиши таъминланади.	Мунтазам равишда	Сектор раҳбари, сектор штаби котиби
13-босқич	«Темир дафтар» га киритилган ҳар бир оиланинг аниқланган муаммоларининг бартараф этилганлиги ҳақида ҳисоботлар ахборот тизимига киритиб борилади.	Ҳар куни соат 18.00 гача	Сектор раҳбари, бошқарув офиси сектор штаби котиби
14-босқич	«Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан жойига чиққан ҳолда мониторинг олиб борилади.	Ҳар ойда	Сектор раҳбари, туман(шаҳар) ҳокимликлари, масъул ташкилотлар ходимлари
15-босқич	1. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси» ижроси муҳокама қилинади. 2. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида муаммоларни ҳал қилишга масъул бўлган секторлар, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилади.	Ҳар чоракда камида бир марта	Сектор раҳбари, бошқарув офиси, туман(шаҳар) ҳокимликлари

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, оиланинг муаммоси ҳал бўлганидан кейин, у албатта рўйхатдан чиқарилади. Бу эса узоқ йиллар давомида боқиманджалик кайфиятини шаклланишига муносиб тўсиқ вазифасини ўтайди.

REFERENCES

1. <https://lex.uz/docs/5319768#5320130> - Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ
2. <https://lex.uz/docs/5319768#5320130> - Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ
3. <https://www.xabar.uz/jamiyat/mahalla-raisi-nafaqaga-muhtoj-bolmaganlarga>
4. <https://lex.uz/docs/5319768#5320130> - Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ